

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"ELEKTRQISHLOQQURILISH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"ELEKTRQISHLOQQURILISH" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 523 561

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

12.11.2014

Sana

000336-04

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, MIRZO ULUG`BEK TUMANI, BUYUK IPAK YO`LI KO`CHASI, 274-UY

Tomonidan berilgan:

MIRZO ULUG`BEK TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1984783





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
200 523 561

Nomi
ELEKTRQISHLOQQURILISH

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak
yo'li ko'chasi, 274-uy

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
200 523 561

Nomi
ELEKTRQISHLOQQURILISH

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak
yo'li ko'chasi, 274-uy

27.03.2024

2420907

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1984782





«УТВЕРЖДЕНО»

Решением общего собрания акционеров
АО «ELEKTRQISHLOQQURILISH»
от 14 марта 2024 года
(протокол №1/2024)

Ш. Хасанов

Генеральный директор
Хасанов Ш.Ш.



«ELEKTRQISHLOQQURILISH»

акциядорлик жамияти акциядорларининг
2024 йил 14 мартдаги
(1/2024-сонли Баённома)
йиллик умумий йиғилиши Қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ш. Хасанов

Бош директор
Хасанов Ш.Ш.

УСТАВ

АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА

«ELEKTRQISHLOQQURILISH»

(НОВАЯ РЕДАКЦИЯ)

«ELEKTRQISHLOQQURILISH»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИР)

1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ	1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
<p>1.1. Настоящий устав акционерного общества «ELEKTRQISHLOQQURILISH» (далее – «Общество») был утвержден в новой редакции в соответствии с решением общего собрания акционеров от 14 марта 2024 года (Протокол № 1/2024).</p>	<p>1.1. «ELEKTRQISHLOQQURILISH» Акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда “Жамият”) ушбу Устави янги тахрирда акциядорларнинг умумий йиғилишининг 2024 йил 14 март (1/2024 - сонли Баённома) Қарори билан тасдиқланган.</p>
<p>1.2. Наименование Общества – Полное официальное наименование Общества на государственном языке: «ELEKTRQISHLOQQURILISH» Aksiyadorlik jamiyati. – Сокращенное наименование Общества на государственном языке: «ELEKTRQISHLOQQURILISH» AJ. – Полное официальное наименование Общества на русском языке: Акционерное общество «ELEKTRQISHLOQQURILISH». – Сокращенное наименование Общества на русском языке: АО «ELEKTRQISHLOQQURILISH».</p>	<p>1.2. Жамиятнинг номи – Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи: «ELEKTRQISHLOQQURILISH» Aksiyadorlik jamiyati. – Жамиятнинг давлат тилидаги қискартирилган номи: «ELEKTRQISHLOQQURILISH» AJ. – Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи: Акционерное общество «ELEKTRQISHLOQQURILISH». – Рус тилидаги қискартирилган номи: АО «ELEKTRQISHLOQQURILISH».</p>
<p>2. ПРАВОВОЙ СТАТУС, МЕСТОНаХОЖДЕНИЕ И ПОЧТОВЫЙ АДРЕС ОБЩЕСТВА</p>	<p>2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ</p>
<p>2.1. Общество является юридическим лицом в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и имеет в собственности обособленное имущество, в том числе имущество, переданное ему в уставный фонд (уставный капитал), учитываемое на его самостоятельном балансе, может от своего имени приобретать и осуществлять имущественные и личные неимущественные права, нести обязанности, быть истцом и ответчиком в суде.</p>	<p>2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.</p>
<p>2.2. Общество имеет исключительное право на использование своего фирменного наименования. Общество имеет круглую печать, содержащую эмблему и его полное фирменное наименование на государственном языке (в печати может быть одновременно указано фирменное наименование на любом другом языке). Общество вправе иметь штампы и бланки со своим наименованием, собственную эмблему, а также зарегистрированные в установленном порядке товарный знак и другие средства индивидуализации товаров, работ и услуг.</p>	<p>2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлак ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин) эга. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.</p>
<p>2.3. В своей деятельности Общество руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, законами Республики Узбекистан, постановлениями палат Олий Мажлиса (Парламента) Республики Узбекистан, решениями Президента Республики Узбекистан, решениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, законодательными и подзаконными актами министерств, ведомств и государственных комитетов, включая подзаконными документами по стандартизации, принятыми ими, а также актами местных органов государственной власти.</p>	<p>2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари, шу жумладан улар томонидан қабул қилинган стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларига амал қилади.</p>
<p>2.4. По требованию акционера или любого заинтересованного лица Общество обязано в течение указанного срока в Уставе предоставить им возможность ознакомиться с Уставом Общества, включая изменения и дополнения к нему. Общество обязано предоставить акционеру по его требованию копию действующего Устава Общества.</p>	<p>2.4. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга Жамият Устави, шу жумладан, унга доир ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорининг талабига биноан Жамиятнинг амалдаги Уставидан нусха олиб бериши шарт.</p>
<p>2.5. Акционеры не отвечают по обязательствам Общества и несут риск убытков, связанных с его деятельностью, в пределах стоимости принадлежащих им акций.</p>	<p>2.5. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида коплаш хатарини ўз зиммасига оладилар.</p>

2.6. Акционеры, не полностью оплатившие акции, несут солидарную ответственность по обязательствам Общества в пределах неоплаченной части стоимости принадлежащих им акций.	2.6. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.
2.7. Общество не отвечает по обязательствам своих акционеров.	2.7. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
2.8. Государство и его органы не несут ответственности по обязательствам Общества, равно как и Общество не отвечает по обязательствам государства и его органов.	2.8. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.
2.9. Имущество Общества принадлежит ему на основании права собственности и в его состав входят поступления от размещения акций Общества, основных фондов и оборотных средств, движимого и недвижимого имущества, ценных бумаг, полученных доходов, иного имущества, полученного по иным не запрещенным законодательством основаниям.	2.9. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.
2.10. Общество может иметь дочерние и зависимые хозяйственные общества, получившие право юридического лица, в форме акционерного общества или общества с ограниченной ответственностью.	2.10. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.
2.11. Общество может создавать филиалы на территории Республики Узбекистан в установленном порядке и наделять их полномочиями в пределах и в порядке, установленных законодательством и Уставом Общества.	2.11. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.
2.12. Общество может создавать новые дочерние общества, филиалы и открывать представительства за пределами Республики Узбекистан и наделять их полномочиями в пределах и в порядке, установленных законодательством и Уставом Общества. Создание Обществом дочерних обществ, филиалов и открытие представительств за пределами Республики Узбекистан осуществляются в соответствии с законодательством страны по месту нахождения дочерних обществ, филиалов и представительств, если иное не предусмотрено международным договором Республики Узбекистан.	2.12. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очилиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.
2.13. Общество обеспечивает свои филиалы и представительства имуществом.	2.13. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.
2.14. Филиал и представительство Общества не являются юридическими лицами, действуют на основании положения, утвержденного Наблюдательным советом Общества. Руководитель филиала или представительства назначается Председателем Правления Общества и действует на основании доверенности, выданной Обществом.	2.14. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият Бошқарув Раиси томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.
2.15. Общество вправе создавать административные учреждения, не осуществляющие основную деятельность на территории Республики Узбекистан, за исключением своего юридического адреса.	2.15. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.
2.16. Общество вправе участвовать в создании предприятий, организаций и иных коммерческих структур, и их хозяйственной деятельности, в том числе на основе холдинга, за счет собственных средств, в том числе за счет внесения взносов.	2.16. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш кўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.
2.17. Общество может участвовать в ассоциациях (союзах) и других объединениях в целях координации своей деятельности, выражения и защиты своих интересов, реализации совместных программ.	2.17. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.
2.18. Общество самостоятельно в принятии решений относительно осуществления коммерческих операций.	2.18. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.
2.19. Общество создано без ограничения срока деятельности.	2.19. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

2.20. Почтовый адрес и местонахождение Общества: Республика Узбекистан, 100187, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Буюк Ипак Йўли, 274.	2.20. Жамиятнинг почта манзили ва жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 274 уй.
2.21. Адрес электронной почты Общества: ajeqq@mail.ru .	2.21. Жамиятнинг электрон почта манзили: ajeqq@mail.ru .
2.22. Официальный веб-сайт Общества: www.uzeqq.uz .	2.22. Жамиятнинг расмий веб саҳифаси: www.uzeqq.uz .
3. ЦЕЛЬ И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА	3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ
3.1. Общество осуществляет свою деятельность на коммерческой основе, и основной целью деятельности Общества является извлечение прибыли.	3.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.
3.2. Основными направлениями деятельности Общества являются:	3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:
i) строительно-монтажные, специальные строительно-монтажные работы, включая строительно-монтажные и демонтажные работы линий электропередачи и кабельных линий;	i) Қурилиш-монтаж, махсус қурилиш ва монтаж ишлари, шу жумладан электрузатиш линияларини ва кабель линияларини қурилиш-монтаж ва демонтаж ишларини амалга ошириш;
ii) Проведение исследований, проектирование объектов, разработка и экспертиза проектно-сметной и конструкторской документации, строительство, расширение, реконструкция и техническое переоснащение, ремонт и эксплуатация зданий, производственных, социально-культурных и бытовых сооружений, выполнение строительно-монтажных, ремонтных, реставрационных и пусконаладочных работ по заказам предприятий и организаций всех форм собственности на территории и за пределами Республики Узбекистан;	ii) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида тадқиқотлар ўтказиш, объектларни лойиҳалаштириш, Лойиҳа-смета ва конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жихозлаш, биноларни, саноат, ижтимоий, маданий-маиший иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва барча турдаги мулкчилик шаклидаги ташкилотларнинг буюртмалари бўйича қурилиш-монтаж, таъмирлаш тиклаш ва ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш;
iii) Изготовление, монтаж и демонтаж металлических и сварных, сборных железобетонных, типовых и нестандартных производственных и жилых зданий и сооружений, выполнение работ по нанесению антикоррозионных, огнезащитных и химзащитных покрытий, обслуживание механизированными средствами;	iii) Метал ва пайвандланган, йиғма темир – бетон, стандарт ва ностандарт саноат ва турар жой бинолари ва иншоотлари метал қурилмаларини ишлаб чиқариш, монтаж ва демонтаж, антикоррозияли, ёнғинга чидамли ва кимёвий химоялаш қопламалар бўйича ишлар бажариш, механизация воситалари билан хизмат кўрсатиш;
iv) Ремонт, техническое обслуживание и аренда транспортных средств и строительной техники;	iv) Транспорт воситаларини ва қурилиш техникасини таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда ижарага бериш;
v) Сдача в аренду собственных зданий, сооружений, гаражей и боксов;	v) Ўзига тегишли бино, иншоотлар, гараж ва боксларни ижарага бериш;
vi) Производство и реализация товаров и материалов строительства и народного потребления, приготовленных в различных вариантах и ассортиментах;	vi) Турли хил ва ассортиментларда тайёрланган халқ истеъмоли ва қурилиш моллари ва товарларни ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосини амалга ошириш;
vii) Производство и реализация инструментов и оборудования, связанных с электрическими сетями;	vii) Электр тармоқларига оид асбоб ускуна ҳамда жихозларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
viii) Общество осуществляет внешнеэкономическую деятельность (экспорт, импорт) согласно требованиям законодательства Республики Узбекистан, а также осуществляет деятельность по иным направлениям в виде инвестирования в экономику республики и за ее пределами;	viii) Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият (экспорт, импорт) билан шуғулланиш ҳамда республика ва чет эл иқтисодиётига инвестиция шаклидаги бошқа йўналишлардаги ишларни амалга ошириш;
ix) Торговля, посредничество, оптовая и розничная торговля, работа на товарно-сырьевых рынках, открытие и эксплуатация точек общественного питания;	ix) Савдо-харид, воситачилик, улгуржи ва чакана савдо, товар ва хом-ашё бозорларида фаолият юритиш, умумовқатланиш шаҳобчаларини очиш ва фаолиятини юритиш;
x) Выращивание сельскохозяйственных и животноводческих продуктов и содержание под них приусадебных земель, осуществление их торговли;	x) Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва улар бўйича томорқа хўжаликларини юритиш, савдосини амалга ошириш;
xi) Производство товаров и изделий, предназначенных для производственно-технических и хозяйственно-бытовых целей, удовлетворение потребностей населения и юридических лиц товарами народного потребления, а также организация и осуществление	xi) Ишлаб чиқариш-техник ва хужалик-маиший мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар, буюмларини ишлаб-чиқариш, аҳоли ва юридик шахсларнинг халқ истеъмомолларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, шунингдек ўзининг савдо-

образцово-показательных продаж фирмы через свои торговые филиалы;	харид шахобчалари орқали намунали фирма савдосини ташкил этиш ва амалга ошириш;
xii) Другие виды деятельности, не запрещенные законодательством Республики Узбекистан.	xii) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари.
3.3. Общество может заниматься любым видом деятельности, не запрещенным законом и не предусмотренным настоящим Уставом, в порядке, установленном нормативными правовыми актами.	3.3. Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган ва ушбу Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.
3.4. Деятельность, требующая специального разрешения (лицензии), осуществляется Обществом после получения такой лицензии в установленном законом порядке.	3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.
4. РАЗМЕР УСТАВНОГО ФОНДА ОБЩЕСТВА, ПОРЯДОК ЕГО УВЕЛИЧЕНИЯ И УМЕНЬШЕНИЯ	4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ
4.1. Уставный фонд Общества формируется из номинальной стоимости акций Общества, приобретенных акционерами, и выражается в национальной валюте Республики Узбекистан.	4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.
4.2. Уставный фонд Общества определяет минимальный размер имущества Общества, гарантирующего интересы его кредиторов.	4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.
4.3. Размер уставного фонда Общества составляет 814 485 000 (восемьсот четырнадцать миллионов четыреста восемьдесят пять тысяч) сум и разделен на простые акции в количестве 162 897 (сто шестьдесят две тысячи восемьсот девяносто семь) штук номинальной стоимостью 5 000 (пять тысяч) сум простых акций с указанием имени владельца.	4.3. Жамият устав фондининг миқдори 814 485 000 (саккиз юз ўн тўрт миллион тўрт юз саксон беш минг) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 162 897 (бир юз олти икки минг саккиз юз тўқсон етти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.
а) Увеличение Уставного фонда Общества	а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш
4.4. Уставный фонд Общества может быть увеличен путем размещения дополнительных акций.	4.4. Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
4.5. Дополнительные акции могут быть размещены Обществом только в пределах количества объявленных акций, установленного уставом Общества.	4.5. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.
4.6. Решения об увеличении уставного фонда Общества, а также о внесении изменений и дополнений в устав Общества, связанных с увеличением уставного фонда общества и уменьшением количества размещенных акций Общества, принимаются Общим собранием акционеров Общества.	4.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш қарорлар Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
4.7. Увеличение уставного фонда Общества путем размещения дополнительных акций может осуществляться за счет капитализации собственного капитала Общества.	4.7. Жамиятнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш Жамиятнинг ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.
4.8. При увеличении уставного фонда (уставного капитала) Общества за счет его собственного капитала, путем размещения дополнительных акций, дополнительные акции распределяются среди всех акционеров. При этом каждому акционеру распределяются акции того же типа, что и акции, которые ему принадлежат, пропорционально количеству принадлежащих ему акций. Не допускается увеличение уставного фонда (уставного капитала) Общества, в результате которого не обеспечивается соответствие суммы увеличения к номинальной стоимости одной акции.	4.8. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.
4.9. Решением об увеличении уставного фонда Общества путем размещения дополнительных акций должны быть определены количество размещаемых дополнительных простых акций и привилегированных акций, сроки и условия их размещения.	4.9. Жамиятнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.
4.10. Увеличение уставного фонда Общества путем размещения дополнительных акций регистрируется в размере номинальной стоимости размещенных	4.10. Жамиятнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал

дополнительных акций. При этом количество объявленных акций определенных типов, указанное в уставе Общества, должно быть уменьшено на число размещенных дополнительных акций этих типов.	киймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.
4.11. Увеличение уставного фонда Общества путем размещения дополнительных акций может осуществляться за счет привлеченных инвестиций, собственного капитала Общества и начисленных дивидендов в порядке, установленном законодательством.	4.11. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.
б) Уменьшение Уставного фонда Общества	б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш
4.12. Уставный фонд Общества может быть уменьшен путем уменьшения номинальной стоимости акций или сокращения их общего количества, в том числе путем приобретения части акций обществом с последующим их аннулированием.	4.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.
4.13. Уменьшение Уставного фонда Общества путем приобретения и аннулирования части акций допускается.	4.13. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.
4.14. Решения об уменьшении уставного фонда Общества и о внесении соответствующих изменений в Устав Общества принимаются Общим собранием акционеров.	4.14. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
4.15. Принимая решение об уменьшении уставного фонда Общества, Общее собрание акционеров указывает причины уменьшения Уставного фонда и устанавливает порядок его уменьшения.	4.15. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.
4.16. При уменьшении Уставного фонда необходимо соблюдать условия защиты интересов акционеров, предусмотренные при ликвидации Общества.	4.16. Устав фондини камайтириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутилган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.
4.17. Общество вправе приобретать размещенные им акции по решению Общего собрания акционеров об уменьшении Уставного фонда Общества путем приобретения части размещенных акций и сокращения их общего количества, а также по решению Наблюдательного совета Общества в целях их последующей перепродажи в установленном порядке.	4.17. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.
4.18. При покупке акций Общества они оплачиваются только денежными средствами.	4.18. Жамият акцияларини сотиб олиш вақтида уларга фақат пул билан ҳақ тўланади.
4.19. Выкуп акции Обществом осуществляется по рыночной стоимости.	4.19. Жамият томонидан акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.
4.20. Акции, поступившие в распоряжение Общества, не предоставляют права голоса, не учитываются при подсчете голосов, по ним не начисляются дивиденды.	4.20. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.
4.21. Акции, поступившие в распоряжение Общества в целях их последующей перепродажи, должны быть реализованы не позднее одного года с момента их поступления в распоряжение Общества, в противном случае Общее собрание акционеров должно принять решение об уменьшении Уставного фонда Общества. Акции, не реализованные в указанный срок, подлежат аннулированию.	4.21. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.
4.22. Не позднее тридцати дней с даты принятия решения об уменьшении Уставного фонда, Общество в письменной форме уведомляет об этом своих кредиторов. Кредиторы вправе не позднее тридцати дней с даты направления им уведомления об уменьшении Уставного фонда Общества потребовать от Общества досрочного исполнения его обязательств и возмещения связанных с этим убытков.	4.22. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва

	Устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.
5. ВИДЫ АКЦИЙ КОМПАНИИ, ИХ НОМИНАЛЬНАЯ СТОИМОСТЬ, ПОРЯДОК РАЗМЕЩЕНИЯ И ОБЪЯВЛЕННЫЕ АКЦИИ	5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР
5.1. Акции являются именными эмиссионными ценными бумагами и по типу они считаются простыми.	5.1. Жамиятнинг акцияси эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, турига кўра оддий акциядир.
5.2. Акция неделима. Если акция принадлежит на праве общей собственности нескольким лицам, все они признаются одним акционером и пользуются правами, удостоверенными акцией, через своего общего представителя.	5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.
5.3. Акция одного типа предоставляет каждому акционеру, владеющему ею, одинаковый с другими владельцами акций данного типа объем прав.	5.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.
5.4. Конвертация простых акций в привилегированные акции, корпоративные облигации и иные ценные бумаги не допускается.	5.4. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.
5.5. Владелец акции — акционером признается юридическое или физическое лицо, которому акции принадлежат на праве собственности либо ином вещном праве.	5.5. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.
5.6. Простые акции являются голосующими, дающими права их владельцу на получение дивидендов, участие в управлении Обществом.	5.6. Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.
5.7. Номинальная стоимость 1 (одной) акции Общества составляет 5 000 (пять тысяч) сумов.	5.7. Жамият 1 (бир) дона акциясининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм.
5.8. Общество вправе размещать акции и ценные бумаги, конвертируемые в акции, посредством открытой или закрытой подписки.	5.8. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ёки ёпик обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.
5.9. Открытая подписка на акции проводится исключительно на организованных торгах ценными бумагами.	5.9. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.
5.10. При принятии решения о размещении акций, в том числе среди акционеров, цена размещения (выпуск ценных бумаг на фондовый и организованный внебиржевой рынок) акций устанавливается Общим собранием акционеров Общества исходя из конъюнктуры цен, складывающихся на площадках организаторов торгов ценными бумагами.	5.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
5.11. Оплата дополнительных акций и иных ценных бумаг Общества при их размещении производится по цене, не ниже определенной в решении об их выпуске.	5.11. Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.
5.12. В случае оплаты дополнительных акций Общества при увеличении Уставного фонда Общества за счет его собственного капитала, а также дивидендов, по которым принято решение о выплате их дополнительными акциями, размещение таких акций производится по номинальной стоимости акций Общества.	5.12. Жамиятнинг устав фонди кўпайтириляётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.
5.13. При размещении акций и иных ценных бумаг Общества их оплата может быть осуществлена денежными и другими средствами платежа, имуществом, а также правами (в том числе имущественными), имеющими денежную оценку. Форма и порядок оплаты дополнительных акций и иных ценных бумаг определяются в решении о размещении акций, утверждаемом уполномоченным органом управления Общества.	5.13. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилиши мумкин. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш шакли ва тартиби, Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.14. Срок размещения Обществом акций первичного выпуска не должен превышать одного года с момента государственной регистрации Общества.	5.14. Жамият томонидан қўшимча акцияларни ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.
5.15. Акция не дает права голоса до тех пор, пока стоимость акции не будет полностью оплачена и ее новый владелец не будет зарегистрирован в реестре акционеров.	5.15. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.
5.16. Общество не вправе совершать сделки с выпущенными им акциями с условием их обратного выкупа, а также передавать выпущенные им акции в доверительное управление.	5.16. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.
5.17. Число акционеров Общества неограниченно.	5.17. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.
5.18. Общество не вправе принимать решения об ограничении прав, предоставляемых акциями, в которые могут быть конвертированы размещенные Обществом ценные бумаги, без согласия владельцев этих ценных бумаг.	5.18. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
5.19. Количество объявленных акций, которые Общество вправе разместить дополнительно к акциям, размещаемым в целях увеличения Уставного фонда, составляет 500 000 (пятьсот тысяч) штук номинальной стоимостью 5 000 (пять тысяч) сумов простых акций с указанием имени владельца.	5.19. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқаришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 500 000 (беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.
6. ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ АКЦИОНЕРОВ ОБЩЕСТВА	6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ
6.1. Владелец простых акций Общества имеет следующие права:	6.1. Жамиятнинг оддий акциялари эгаси кўйидаги ҳуқуқларга эга:
i) включение в реестр акционеров Общества;	i) Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
ii) получение в отношении себя соответствующей выписки со счета депо у инвестиционного посредника;	ii) Инвестиция воситачисадаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
iii) получение части прибыли Общества в виде дивидендов;	iii) Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
iv) получение части имущества в случае ликвидации Общества в соответствии с принадлежащей им долей;	iv) Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
v) участие в управлении Обществом посредством голосования на Общих собраниях акционеров;	v) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
vi) получение в установленном порядке полной и достоверной информации о результатах финансово-хозяйственной деятельности Общества;	vi) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
vii) свободное распоряжение полученным дивидендом;	vii) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
viii) защиту своих прав в уполномоченном государственном органе по регулированию рынка ценных бумаг, а также в суде;	viii) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
ix) требование возмещения причиненных им убытков в установленном порядке;	ix) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
x) объединение в ассоциации и другие негосударственные некоммерческие организации с целью представления и защиты своих интересов;	x) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
xi) страхование рисков, связанных с возможными убытками, в том числе упущенной выгоды при приобретении ценных бумаг;	xi) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
xii) передавать права (часть прав), предоставляемые акциями Общества, своему представителю (представителям) на основании доверенности в установленном законодательством порядке;	xii) Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
xiii) совершение сделок, связанных с отчуждением своих акций другим лицам без согласия других акционеров;	xiii) ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни бошқа шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
xiv) Акционеры, владеющие пятью и более процентами голосующих акций Общества, имеют право инициировать проведение аудиторской проверки, путем предварительного уведомления Наблюдательного совета Общества.	xiv) Жамият овоз берувчи акцияларининг беш ва ундан ортик фоизига эга акциядорлар Жамият Кузатув кенгашига олдиндан хабар бериш орқали аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

6.2. Акционеры могут иметь и иные права в соответствии с законодательством и Уставом Общества.	6.2. Акциядорлар мазкур Уставада ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларларга ҳам эга бўладилар.
6.3. Осуществление прав акционером не должно нарушать права и охраняемые законом интересы других акционеров.	6.3. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.
6.4. Каждая простая акция Общества предоставляет каждому акционеру, владеющему ею, одинаковый с другими владельцами акций данного типа объем прав.	6.4. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.
6.5. Акционеры — владельцы простых акций могут в соответствии с Уставом Общества участвовать в Общем собрании акционеров с правом голоса по всем вопросам, входящим в его компетенцию.	6.5. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.
6.6. В случае, если количество акционеров Общества менее 50, при размещении Обществом акций и эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых в акции, оплачиваемых денежными средствами, акционеры — владельцы голосующих акций имеют преимущественное право на их приобретение. Акционер, в том числе голосовавший против либо отсутствовавший на Общем собрании акционеров, имеет преимущественное право приобретения акций и эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых в акции (далее — « Преимущественное право »), в количестве, пропорциональном количеству принадлежащих ему акций этого типа.	6.6. Агар Жамият акциядорлари сони 50 дан кам бўлса, Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (кейинги ўринларда “ Имтиёзли ҳуқуқ ”) эга.
6.7. Общество обязано в течение десяти дней с даты государственной регистрации выпуска акций или эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых в акции, посредством публикации в средствах массовой информации предложить своим акционерам, имеющим преимущественное право, приобрести акции или эмиссионные ценные бумаги, конвертируемые в акции, на равных условиях пропорционально количеству имеющихся у них акций по цене размещения, установленной органом управления Общества, принявшим решение о выпуске ценных бумаг.	6.7. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларга акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича сотиб олишни таклиф этиши шарт.
6.8. Срок действия преимущественного права не может быть менее десяти и более тридцати дней с момента опубликования уведомления.	6.8. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
6.9. Уступка Преимущественного права не допускается.	6.9. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.
6.10. Право преимущественной покупки акций и эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых на акции, осуществляется в порядке, установленном действующим законодательством.	6.10. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.
6.11. Права на акции переходят к приобретателю акций с момента внесения соответствующей приходной записи по счету депо приобретателя и подтверждаются выпиской со счета депо, выдаваемой инвестиционным посредником в порядке, установленном законодательством.	6.11. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви белгиланган тартибда қиритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
6.12. Права, удостоверяемые акцией, переходят к их приобретателю с момента перехода прав на эту ценную бумагу.	6.12. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.
6.13. Акционеры — владельцы голосующих акций вправе требовать выкупа Обществом всех или части принадлежащих им акций, если они голосовали против или не принимали участие в голосовании по уважительным причинам при принятии ОСА о:	6.13. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар: – Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида; – жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

<ul style="list-style-type: none"> - реорганизации Общества; - консолидации размещенных акций; - при созыве ОСА для принятия решения о заключении крупной сделки, связанной с приобретением или отчуждением Обществом имущества; - внесении изменений и дополнений в Устав или утверждении Устава в новой редакции, ограничивающих их права. <p>Общество обязано информировать акционеров о наличии у них права требовать выкупа Обществом принадлежащих им акций, цене и порядке осуществления выкупа.</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Жамият томонидан мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битим тузиш масаласи бўйича АУЙ ҳал қилиши учун олиб чиқилганда; - Жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида АУЙ томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир. <p>Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.</p>
<p>6.14. Акционеры также несут иные обязанности в соответствии с законодательством и Уставом Общества.</p>	<p>6.14. Акциядорлар мазкур Уставада ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.</p>
<p>7. ПОРЯДОК РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПРИБЫЛИ, ДИВИДЕНДОВ И УБЫТКОВ ОБЩЕСТВА</p>	<p>7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ</p>
<p>7.1. Согласно действующему законодательству, после уплаты налогов и других обязательных платежей в государственный бюджет производятся отчисления в фонды Общества. Нераспределенная прибыль используется в порядке, установленном ОСА Общества.</p>	<p>7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан давлат бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият АУЙ томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.</p>
<p>7.2. Дивиденды выплачиваются из чистой прибыли, остающейся в распоряжении Общества и/или из нераспределенной прибыли прошлых лет.</p>	<p>7.2. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.</p>
<p>7.3. Дивидендом является часть чистой прибыли Общества, распределяемая среди акционеров.</p>	<p>7.3. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.</p>
<p>7.4. Общество обязано выплатить объявленные по каждому типу акций дивиденды.</p>	<p>7.4. Жамият ҳар бир тури акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.</p>
<p>7.5. По решению ОСА дивиденд может выплачиваться денежными средствами или другими законными средствами платежа либо ценными бумагами Общества.</p>	<p>7.5. Дивиденд АУЙ қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.</p>
<p>7.6. Дивиденд распределяется между акционерами пропорционально числу и типу принадлежащих им акций.</p>	<p>7.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.</p>
<p>7.7. Общество вправе по результатам первого квартала, полугодия, 9 (девяти) месяцев финансового года и (или) по результатам финансового года принимать решения о выплате дивидендов по размещенным акциям.</p>	<p>7.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, 9 (тўққиз) ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p>
<p>7.8. Решение о выплате дивидендов (промежуточных дивидендов) по результатам первого квартала, полугодия и 9 (девяти) месяцев финансового года может быть принято в течение 3 (трех) месяцев после окончания соответствующего периода.</p>	<p>7.8. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва 9 (тўққиз) ойи натижаларига кўра дивидендлар (оралиқ дивидендлар) тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин (3) уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.</p>
<p>7.9. Решение о выплате дивидендов, размере дивиденда, форме и порядке его выплаты по акциям каждого типа принимается ОСА на основании рекомендации Наблюдательного совета Общества, данных финансовой отчетности в случае наличия аудиторского заключения о ее достоверности. Размер дивидендов не может быть больше рекомендованного Наблюдательным советом Общества.</p>	<p>7.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида АУЙ томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.</p>
<p>7.10. Срок и порядок выплаты дивидендов определяются решением ОСА. Срок выплаты дивидендов не может</p>	<p>7.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби АУЙ қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати</p>

быть позднее 60 (шестидесяти) дней со дня принятия такого решения.	шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.
7.11. Дивиденд, не востребованный владельцем или его законным правопреемником или наследником в течение 3 (трех) лет, по решению ОСА остается в распоряжении Общества.	7.11. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд АУЙ қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.
7.12. На получение дивиденда по акциям имеют право лица, зафиксированные в реестре акционеров Общества, сформированном для проведения ОСА, на котором принято решение о выплате акционерам дивидендов.	7.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.
7.13. Общество не вправе выплачивать и принимать решения о выплате дивидендов по акциям:	7.13. Жамият куйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:
i) до полной оплаты всего Уставного фонда Общества при его учреждении;	i) Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
ii) если на момент выплаты дивидендов имеются признаки банкротства или указанные признаки появятся у Общества в результате выплаты дивидендов;	ii) агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
iii) если стоимость чистых активов Общества меньше суммы его Уставного фонда и резервного фонда.	iii) агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.
iv) по прекращении указанных в настоящем пункте 7.13 обстоятельств Общество обязано выплатить акционерам начисленные дивиденды.	iv) ушбу 7.13-бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.
7.14. Общество объявляет размер дивидендов без учета налогов с них.	7.14. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.
7.15. Общество публикует данные о размере выплачиваемых дивидендов на официальных веб-сайтах уполномоченного государственного органа по регулированию рынка ценных бумаг и Общества в сроки, установленные законодательством.	7.15. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги ҳабарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бойича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида эълон қилади.
7.16. Порядок и нормы выплаты дивидендов определяются законодательством, настоящим Уставом, а также внутренними документами Общества.	7.16. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.
7.17. Общество имеет право осуществлять выплату дивидендов через Центральный депозитарий и (или) инвестиционных посредников в соответствии с заключенным договором.	7.17. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.
8. ПОРЯДОК ОРГАНИЗАЦИИ РЕЗЕРВНОГО ФОНДА И ИНЫХ ФОНДОВ ОБЩЕСТВА	8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ
8.1. В Обществе создается резервный фонд в размере не менее пятнадцати процентов от его Уставного фонда.	8.1. Жамият Устав фондининг камида 15 (ўн беш) фоизи миқдорида захира фондини ташкил этади.
8.2. Резервный фонд Общества предназначен для покрытия его убытков, погашения корпоративных облигаций Общества, выплаты дивидендов по привилегированным акциям и выкупа акций Общества в случае отсутствия иных средств.	8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.
8.3. Резервный фонд Общества не может быть использован для иных целей.	8.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
8.4. Общество формирует резервный фонд путем обязательных ежегодных отчислений от чистой прибыли в размере 5% до достижения размера, указанного в пункте 8.1. Устава.	8.4. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 8.1 бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказилади.
9. ОРГАНЫ УПРАВЛЕНИЯ ОБЩЕСТВА	9. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ
9.1. Органы управления Общества состоят из:	9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари куйидагилардан иборат:
i) Общего собрания акционеров (ОСА);	➤ Акциядорларнинг умумий йиғилиши (АУЙ);
ii) Наблюдательного совета;	➤ Кузатув кенгаши;
iii) Исполнительного органа (Генерального директора).	➤ Ижроия органи (Бош директор).

10. ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ ОБЩЕСТВА	10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
10.1. ОСА является высшим органом управления Общества.	10.1. АУЙ Жамиятнинг юкори бошқарув органидир.
10.2. Общее собрание акционеров ведется председателем наблюдательного совета Общества, а при его отсутствии по уважительным причинам собрание ведется одним из членов наблюдательного совета Общества.	10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатов кенгаши раиси, узрли сабабларга кўра у бўлмаган тақдирда эса, йиғилишни Жамият Кузатов кенгаши аъзоларидан бири ўтказида.
10.3. Годовое общее собрание акционеров проводится не позднее чем через 6 (шесть) месяцев после окончания финансового года.	10.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади.
10.4. На годовом общем собрании акционеров решаются вопросы об избрании Наблюдательного совета и Ревизора Общества, о возможности продления срока, перезаключения или расторжения договора с Генеральным директором Общества, а также рассматриваются годовой отчет Общества, отчеты Генерального директора и Наблюдательного совета Общества о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Общества и иные документы.	10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатов кенгашини ва Жамиятнинг Тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг Бош директори ва Кузатов кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.
10.5. Проводимые помимо годового общие собрания акционеров являются внеочередными.	10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.
10.6. При проведении ОСА могут использоваться информационно-коммуникационные технологии, позволяющие обеспечивать возможность регистрации для дистанционного участия в Общем собрании акционеров, обсуждении вопросов повестки дня и принятии решений по вопросам, поставленным на голосование.	10.6. АУЙ ўтказиш чоғида Акциядорларнинг умумий йиғилишида, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.
10.7. Дата и порядок проведения ОСА, порядок сообщения акционерам о его проведении, перечень предоставляемых акционерам материалов (информации) при подготовке к проведению ОСА устанавливаются Наблюдательным советом Общества.	10.7. АУЙ ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, АУЙ ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатов кенгаши томонидан белгиланади.
10.8. К компетенции ОСА относятся:	10.8. АУЙ ваколат доирасига қуйидагилар киреди:
i) внесение изменений и дополнений в Устав или утверждение Устава в новой редакции;	i) Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги Уставни тасдиқлаш;
ii) реорганизация Общества;	ii) Жамиятни қайта ташкил этиш;
iii) ликвидация Общества, назначение ликвидатора (ликвидационной комиссии) и утверждение промежуточного и окончательного ликвидационных балансов;	iii) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
iv) определение количественного состава Наблюдательного совета и комитета миноритарных акционеров Общества, избрание их членов и досрочное прекращение их полномочий. Принятие решений о выплате премий и компенсаций членам Наблюдательного совета;	iv) Жамият Кузатов кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатов кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
v) определение предельного размера объявленных акций;	v) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
vi) определение предельных размеров вознаграждений и (или) компенсаций, выплачиваемых Генеральному директору Общества;	vi) Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
vii) уменьшение Уставного фонда Общества;	vii) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
viii) приобретение собственных акций;	viii) ўз акцияларини олиш;
ix) утверждение организационной структуры Общества;	ix) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
x) образование исполнительного органа Общества, избрание (назначение) Генерального директора и досрочное прекращение его полномочий. Утверждение Положения, определяющего порядок деятельности исполнительного органа Общества.	x) Ижроия органини тузиш, Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

xi) избрание Ревизора Общества и досрочное прекращение его полномочий, утверждение положения о Ревизоре, а также принятие решения о выплате премий и компенсаций;	xi) Жамият Тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Тафтишчиси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек, Тафтишчисига мукофот ва компенсациялар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
xii) утверждение годового отчета Общества, а также стратегии развития Общества на среднесрочный и долгосрочный период с определением ее конкретных сроков исходя из основных направлений и цели деятельности Общества;	xii) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
xiii) распределение прибыли и убытков Общества;	xiii) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
xiv) заслушивание отчетов Наблюдательного совета и заключений Ревизора Общества по вопросам, входящим в их компетенцию, в том числе по соблюдению установленных законодательством требований по управлению Обществом;	xiv) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;
xv) утверждение регламента Общего собрания акционеров;	xv) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
xvi) принятие решения о неприменении преимущественного права акционера на приобретение акций или иных ценных бумаг Общества;	xvi) акциядорнинг Жамият акцияларини ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир Имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
xvii) дробление и консолидация акций;	xvii) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
xviii) принятие решения о заключении Обществом крупных сделок, связанных с приобретением и отчуждением имущества, в случаях, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан;	xviii) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулкни сотиб олиниши ҳамда тасарруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
xix) принятие решения о заключении договоров с аффилированными лицами в случаях, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан;	xix) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
xx) принятие решения о выплате дивидендов, определение размера, формы выплаты и порядка выплаты дивидендов по акциям каждой категории и типа;	xx) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
xxi) решение иных вопросов в соответствии с законодательством и настоящим Уставом;	xxi) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;
xxii) определение сделок, связанных с текущей хозяйственной деятельностью Общества, для самостоятельного осуществления исполнительным органом сделок с аффилированными лицами и крупных сделок;	xxii) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
xxiii) определение аудиторской организации для проведения обязательного аудита, принятие решения о максимальном размере платы за услуги этой организации и заключении с ней договора (расторжении договора);	xxiii) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
xxiv) установление (подтверждение) порядка голосования или проведения Общего собрания акционеров в форме видеоконференцсвязи путем делегирования своих полномочий представителю, а также по электронной почте (подтвержденной электронной цифровой подписью).	xxiv) шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда).
xxv) решение об увеличении Уставного фонда Общества, внесение изменений и дополнений в Устав, связанных с увеличением Уставного фонда Общества и уменьшением количества объявленных акций Общества;	xxv) Жамият Устав фондини кўпайтириш, Жамият Устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ Уставга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш тўғрисида қарор;
xxvi) определение цены размещения (выставления на организованные торги ценными бумагами) акций Общества в соответствии с законодательством;	xxvi) қонунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

xxvii) принятие решения о выпуске Обществом корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции, а также о выкупе корпоративных облигаций Общества;	xxvii) Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
xxviii) принятие решения о выпуске производных ценных бумаг;	xxviii) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
10.9. Вопросы, отнесенные к компетенции ОСА, не могут быть переданы на решение исполнительному органу Общества.	10.9. АУЙ ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
10.10. Вопросы, отнесенные к компетенции ОСА, не могут быть переданы на решение Наблюдательного совета Общества	10.10. АУЙ ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас,
10.11. Решение ОСА по вопросу, поставленному на голосование, принимается большинством голосов акционеров — владельцев голосующих акций Общества, принимающих участие в собрании, если иное не установлено законодательством или настоящим Уставом.	10.11. Овозга қўйилган масала бўйича АУЙ қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
10.12. Решение по вопросам, указанным в абзацах i), ii), iii), v), xiv), xviii), xix) пункта 10.8 настоящего Устава, принимается ОСА большинством в три четверти голосов акционеров — владельцев голосующих акций, принимающих участие на Общем собрании акционеров (квалифицированным большинством).	10.12. Мазкур Уставнинг 10.8. бандидаги i), ii), iii), v), xiv), xviii), xix) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, АУЙ томонидан АУЙ иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.
10.13. ОСА не вправе принимать решение по вопросам, не включенным в повестку дня собрания, а также вносить изменения в повестку дня.	10.13. АУЙ кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.
10.14. Акционер вправе обжаловать в суд решение, принятое ОСА в случае, если он не принимал участие на Общем собрании акционеров по уважительной причине или голосовал против принятия такого решения.	10.14. Агар акциядор узрли сабабга қўра АУЙ иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у АУЙ томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.
10.15. Решения, принятые Общим собранием акционеров, а также итоги голосования доводятся до сведения акционеров в порядке и сроки, предусмотренные законодательством и Уставом, но не позднее 30 (тридцати) дней с даты принятия этих решений.	10.15. АУЙ томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
10.16. Право на участие в ОСА имеют акционеры, зафиксированные в реестре акционеров Общества, сформированном за 3 (три) рабочих дня до даты проведения ОСА.	10.16. АУЙ иштирок этиш ҳуқуқига АУЙ ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
10.17. Сообщение о проведении Общего собрания акционеров публикуется на Едином портале корпоративной информации, на официальном веб-сайте Общества и в средствах массовой информации, а также направляется акционерам по электронной почте не позднее чем за двадцать один день, но не ранее чем за 30 (тридцать) дней до даты проведения ОСА.	10.17. АУЙ ўтказиш тўғрисидаги хабар АУЙ ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин, корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
10.18. Дата проведения ОСА не может быть менее 10 (десяти) и более 30 (тридцати) дней с даты принятия решения о его проведении.	10.18. АУЙ ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.
10.19. Акционеры (акционер), владеющие в совокупности не менее чем одного процента голосующих акций Общества, не позднее 30 (тридцати) дней после окончания финансового года Общества вправе внести вопросы в повестку дня годового Общего собрания акционеров, а также выдвинуть кандидатов в Наблюдательный совет, число которых не может превышать количественного состава Наблюдательного совета и на должность Ревизора Общества.	10.19. Жамият овоз берувчи акцияларининг жами камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай йиллик АУЙ кун тартибига қўйишига, шунингдек акциядорларга номзодлар кўрсатишга ҳақли. Кузатув кенгаши, уларнинг сони Кузатув кенгаши аъзолари сонидан ва Жамият Тафтишчи лавозимидан ошмаслиги керак.
10.20. Внеочередное ОСА проводится по решению Наблюдательного совета Общества на основании его собственной инициативы, письменного требования Ревизора Общества, а также акционера, являющегося	10.20. Навбатдан ташқари АУЙ Жамият Кузатув кенгашининг қарорига қўра унинг ўз ташаббуси асосида, Жамиятнинг Тафтишчисининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият

<p>владельцем не менее чем 5 (пяти) процентов голосующих акций общества на дату предъявления письменного требования.</p>	<p>овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.</p>
<p>10.21. Размер голосующих акций, принадлежащих акционерам, предъявляющим требование о проведении внеочередного ОСА, определяется на дату предъявления такого требования</p>	<p>10.21. Навбатдан ташқари АУЙ ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.</p>
<p>10.22. Право на участие в ОСА осуществляет акционер лично или через своего представителя. Акционер вправе в любое время заменить своего представителя на ОСА либо лично принять участие на собрании.</p>	<p>10.22. АУЙ иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор АУЙ ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.</p>
<p>10.23. В случае если акция Общества находится в общей долевой собственности нескольких лиц, то полномочия по голосованию на ОСА осуществляются по их усмотрению одним из участников общей долевой собственности либо их общим представителем. Полномочия каждого из указанных лиц должны быть надлежащим образом оформлены.</p>	<p>10.23. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, АУЙ овоз бериш ваколатлари уларнинг хошишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.</p>
<p>10.24. Общее собрание акционеров правомочно (имеет кворум), если на момент окончания регистрации для участия в ОСА зарегистрировались акционеры (их представители), обладающие в совокупности более чем 50 (пятьдесят) процентами голосов размещенных голосующих акций Общества. При отсутствии кворума для проведения ОСА объявляется дата проведения повторного ОСА. Изменение повестки дня при проведении повторного ОСА не допускается. Повторное ОСА, созванное взамен несостоявшегося, правомочно, если на момент окончания регистрации для участия в нем зарегистрировались акционеры (их представители), обладающие в совокупности более чем 40 (сорока) процентами голосов размещенных голосующих акций Общества.</p>	<p>10.24. Агар АУЙ иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. АУЙ ўтказиш учун кворум бўлмаса, такрорий АУЙ ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий АУЙ ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар ўтказилмай қолган АУЙ ўрнига чақирилган такрорий АУЙ иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, такрорий АУЙ ваколатли бўлади.</p>
<p>10.25. При переносе даты проведения ОСА в связи с отсутствием кворума менее чем на 20 (двадцать) дней акционеры, имеющие право на участие на Общем собрании акционеров, определяются в соответствии с реестром акционеров, имевших право на участие на несостоявшемся Общем собрании акционеров.</p>	<p>10.25. Кворум бўлмаганлиги сабабли АУЙ ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, АУЙ иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ўтказилмай қолган АУЙ иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.</p>
<p>10.26. Протокол ОСА составляется не позднее 10 (десяти) дней после закрытия ОСА в 2 (двух) экземплярах. Оба экземпляра подписываются председательствующим на Общем собрании акционеров и секретарем Общего собрания акционеров.</p>	<p>10.26. АУЙ баённомаси АУЙ ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам АУЙ раислик қилувчи ва АУЙ котиби томонидан имзоланади.</p>
<p>10.27. Иные вопросы, связанные с организацией и проведением, ОСА, регулируются действующим законодательством и определяются Положением «Об Общем собрании акционеров» Общества.</p>	<p>10.27. АУЙ ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низоми билан белгиланади.</p>
<p>11. НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОБЩЕСТВА</p>	<p>11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ</p>
<p>11.1. Наблюдательный совет Общества осуществляет общее руководство деятельностью Общества, за исключением решения вопросов, отнесенных законодательством и Уставом к компетенции, ОСА.</p>	<p>11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан АУЙ ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.</p>
<p>11.2. К полномочиям Наблюдательного совета относятся следующее:</p>	<p>11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:</p>
<p>i) определение приоритетных направлений деятельности Общества с регулярным заслушиванием отчета генерального директора Общества (далее – «Генеральный директор») о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Общества;</p>	<p>i) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Бош директорининг (кейинги ўринларда “Бош директор”) ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;</p>

ii) созыв годовых и внеочередных ОСА, за исключением случаев, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан;	ii) Жамият ва навбатдан ташкари АУЙ чақириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;
iii) подготовка повестки дня ОСА;	iii) АУЙ кун тартибини тайёрлаш;
iv) определение даты, времени и места проведения ОСА;	iv) АУЙ ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
v) определение даты формирования реестра акционеров Общества для оповещения о проведении ОСА;	v) АУЙ ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
vi) организация установления рыночной стоимости имущества Общества;	vi) Жамиятнинг мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
vii) назначение корпоративного консультанта и утверждение положения, определяющего порядок его деятельности, если введение данной должности предусмотрено Уставом;	vii) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш, агар ушбу лавозимни жорий этиш Устава назарда тутилган бўлса;
viii) утверждение годового бизнес-плана Общества. При этом бизнес-план Общества на следующий год должен быть утвержден на заседании Наблюдательного совета не позднее 1 декабря текущего года;	viii) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг биринчи декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
ix) создание службы внутреннего аудита Общества, назначение ее работников, а также ежеквартальное заслушивание ее отчетов;	ix) Жамиятнинг ички аудит хизматини яратиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини ешитиш;
x) доступ к любым документам, касающимся деятельности Генерального директора, и получение их от Генерального директора для исполнения возложенных на Наблюдательный совет обязанностей. Полученные документы могут использоваться Наблюдательным советом и его членами исключительно в служебных целях;	x) Бош директорнинг фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатларга кириш ва Кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни Бош директордан олиш. Қабул қилинган ҳужжатлар Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат расмий мақсадларда ишлатилиши мумкин;
xi) принятие решения о проведении аудиторской проверки (кроме обязательной аудиторской проверки), об определении аудиторской организации, предельном размере оплаты ее услуг и заключении (расторжении) с ней договора;	xi) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
xii) дача рекомендаций по размерам, выплачиваемых ревизору Общества вознаграждений и компенсаций;	xii) Жамият Тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
xiii) дача рекомендаций по размеру дивиденда, форме и порядку его выплаты;	xiii) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
